

Impact Factor: 4.757

ISSN: 2181-0834
DOI: 10.26739/2181-0834

GEOGRAPHY:

NATURE AND SOCIETY

Informing scientific practices around the world through research and development



VOLUME 2, ISSUE 1

2021

Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

Rafiqov Vahob Asomovich
geografiya fanlari doktori, professor
(O'zR FA Seysmologiya instituti)

Bosh muharrir o'rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Sharipov Shavkat Muxamajanovich
geografiya fanlari nomzodi, dotsent
(O'zbekiston Milliy universiteti)

Mas'ul muharrir | Ответственный редактор | Responsible editor:
Ibragimov Shahzod Umirzoq o'g'li
(Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti)

"GEOGRAFIYA: TABIAT VA JAMIYAT" JURNALI TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI
РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ ЖУРНАЛА "ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО"
EDITORIAL BOARD OF THE JOURNAL OF GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY

11.00.01 – Tabiiy geografiya /
Физическая география /
Physical geography

Urazbayev A.K. – g.f.d., professor
Xoroshhev A.V. – g.f.d., professor (Rossiya)
Mirakmalov M.T. – DSc, dotsent
Ibragimova R.A. – g.f.n., dotsent
Yarashev Q.S. – PhD, dotsent

11.00.02 – Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya /
Экономическая и социальная география /
Economic and social geography

Tojiyeva Z.N. – g.f.d., professor
Lachininskiy S.S. – g.f.n., dotsent (Rossiya)
Komilova N.K. – g.f.d., professor
Melibayeva G.A. – i.f.n., dotsent
Tashtayeva S.K. – g.f.n., dotsent

11.00.03 – Quruqlik gidrologiyasi. Suv
resurslari. Hidrokiyimo / Гидрология суши.
Водные ресурсы. Гидрохимия / Land
Hydrology. Water resources. Hydrochemistry

Hikmatov F.H. – g.f.d., professor
Tomas Saks – PhD, professor (Shveysariya)
Adenbayev B.Y. – g.f.d., dotsent
Yunusov G'.X. – g.f.n., dotsent
Umirzoqov G'.U. – PhD

11.00.04 – Meteorologiya. Iqlimshunoslik.
Агrometeorologiya / Метеорология. Климатология.
Агrometeorologiya / Meteorology. Climatology.
Agrometeorology

Egamberdiyev X.T. – DSc, dotsent
Matadjonova G.A. – PhD, professor (Buyuk Britaniya)
Petrov Y.V. – g.f.n., professor
Xolmatjonov B.M. – DSc, dotsent
Xolboyev G. – g.f.n., dotsent

11.00.05 – Atrof-muhitni muhofaza qilish
va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish /
Охрана окружающей среды и рациональное
использование природных ресурсов /
Environmental protection and rational
use of natural resources

Rafiqov V.A. – g.f.d., professor
G'ufonov D.N. – g.f.n., dotsent (Tojikiston)
Sabitova N.I. – g.f.d., professor
Sharipov Sh.M. – g.f.n., dotsent
Shamuratova N.T. – g.f.n., dotsent

11.00.06 – Geodeziya. Kartografiya /
Геодезия. Картография /
Geodesy. Cartography

Safarov E.Y. – t.f.d., professor
Vereshaka T.V. – g.f.d., professor (Rossiya)
Egamberdiyev A. – g.f.n., professor
Musayev I.M. – g.f.n., dotsent
Prenov Sh. – PhD

11.00.07 – Geoinformatika /
Геоинформатика / Geoinformatics

Safarov E.Y. – t.f.d., professor
Sabine Hennig – PhD, professor (Avstriya)
Gulyamova L.X. – g.f.n., dotsent
Mirmaxmudov E. – t.f.n., dotsent
Abdullayev T.M. – t.f.n., dotsent

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Шомуродова Шахноза РЕКРЕАЦИОН ВА ТУРИСТИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАСНИФЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	4
2. Suyun Abdullayev, Husnora Muqumova, Farrux Xushmurodov AGROLANDSHAFTLARNI O‘RGANISHNING NAZARIY VA METODIK ASOSLARI.....	9
3. Egamov Bakhtiyor GEOLOGICAL AND GEOMORPHOLOGICAL VIEWS OF THE CENTRAL ASIAN JADIDS.....	19
4. Абдуллаев Илхом, Каримов Илхом ТУЯТОРТАР КАНАЛИНИНГ СУФОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ТАРИХИ.....	26
5. Sadibekova Bibisora, Ibragimov Shaxzod O‘ZBEKISTONDA BUDDIZM OBIDALARI ASOSIDA ZIYORAT TURIZMINI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI.....	31
6. Қодиров Р.Б. АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	37
7. Махкамов Элёрбек, Маматисаков Жаҳонгир РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ.....	43
8. Ражабов Фурқат, Маҳмудов Муҳаммадисмоил, Шомуродова Шахноза ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАЛАР ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИНИ ЯРАТИШДА ГЕОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.....	48
9. Абдиназарова Хидоятхон ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ КИМЁ САНОАТИ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	55
10. Умурзоқова Умида НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ДАРЁЛАРИНИНГ ГИДРОЛОГИК ХУСУСИЯТИ.....	65
11. Qoriyev Mirzohid, Mirabdullayev Baxodirjon, Olimjonova Marhabo NAMANGAN VILOYATI ATMOSFERA HAVOSINING IFLOSLANISHI.....	74
12. Эргашева Юлдуз ГИС ДАСТУРИДАГИ РАҚАМЛИ РЕЛЬЕФ МОДЕЛИНИ ЖОЙНИНГ ТАКТИК ХУССИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	80

ГЕОГРАФИЯ: ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ


ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО

GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY

11.00.03 – Қуруклик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё
ДАРЁЛАР ГИДРОЛОГИЯСИ

Умурзокова Умида Носиржонова
Наманган давлат университети
“Экология” кафедраси таянч докторанти

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ДАРЁЛАРИНИНГ ГИДРОЛОГИК ХУСУСИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0834-2021-1-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Наманган вилоятининг асосий дарёларини ўртача кўп йиллик сув сарфи, йиллик оқимининг ўзгарувчанлик коэффициенти, дарёларининг гидрологик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Дарёлар оқимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш мақсадида ўртача йиллик оқимнинг хронологик графиклари тузилган ва оқимдаги йиллик қийматларининг ўзгаришларидаги даврийликни аниқлаш учун интеграл фарқлар усулидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: сув оқим, сув сарфи, сув хажми, ўзгарувчанлик коэффициенти, дарё хавзаси, интеграл фарқлари ва хронологик график.

Умурзакова Умида Носиржановна
докторант кафедрасы экологии
Наманганского государственного университета

ГИДРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЕК НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы среднегодовые водопотребления основных рек Наманганской области, коэффициент изменчивости годового стока, гидрологические показатели рек. Для анализа изменений речного стока были построены хронологические графики среднегодового стока и использован метод интегральных разностей для определения периодичности изменения годовых значений стока.

Ключевые слова: расход воды, водопотребление, объем воды, коэффициент изменчивости, бассейн реки, интегральные разности и хронологический график.

Umurzakova Umida Nosirjanovna
Ph.D. student of Department of Ecology
Namangan State University

HYDROLOGICAL FEATURES OF RIVERS OF NAMANGAN REGION

ANNOTATION

The article analyzes the average perennial water consumption of the main rivers of Namangan region, the coefficient of variability of annual flow, hydrological indicators of rivers. In order to analyze the changes in river flow, chronological graphs of the average annual flow were constructed and the method of integral differences was used to determine the periodicity of changes in the annual values of the flow.

Key words: water discharge, water consumption, water volume, coefficient of variability, river basin, integral differences and chronological graph.

Наманган вилояти кўшни Андижон ва Фарғона вилоятларидан ўзининг ҳудудида ҳосил бўладиган дарёлари кўплиги билан ажралиб туради. Бу дарёлар Оҳангарон, Сарваксой, Резаксой, Чадаксой, Олмоссой, Ғирвонсой ва Чортоқсойлардир. Маълумки, Оҳангарон дарёси Тошкент вилоятига сув беради. Қолган дарёлар эса, В.Е.Чуб маълумотларига кўра, куйидагича ўртача кўп йиллик сув сарфига эга [1]:

Сарваксой – 0,61 м³/сек;

Олмоссой – 1,21 м³/сек;

Резаксой – 0,53 м³/сек;

Ғирвонсой – 1,12 м³/сек;

Чадаксой – 3,77 м³/сек;

Чортоқсой – 1,79 м³/сек.

Бу дарёларнинг бир йиллик ўртача суви 283,8 млн м³ ни ташкил этгани ҳолда, қолган дарёлар вилоятга четдан кириб келади.

Чотқол тизмасидан вилоятга кириб келадиган дарёлар: Ғовасой, Кўксараксой, Сумсарсой, Косонсой ва Подшоотасойлар ҳамда Норин дарёси ва Қорадарёлар ўз сувини кўшни Қирғизистон Республикаси тоғларида йиғади. Наманган вилоятида ҳосил бўладиган ва четдан кириб келадиган дарё сувларининг ўртача йиллик сув ҳажми 17037,3 млн м³ ни ташкил этади.

Бу сувнинг 69 фоизи Норин дарёсидан, 26 фоизи Қорадарёдан, 5,0 фоизи вилоятнинг шимолидаги дарёлардан келади. Уларнинг энг каттаси Косонсой бўлиб, унинг ўртача йиллик оқими 346 млн м³ га тенг. Подшоотасой ва Ғовасойларнинг ўртача йиллик оқими эса Косонсойникидан 2 баробарча кам. Бунинг асосий сабаби Косонсой сув йиғадиган ҳавзанинг Ғовасой ва Подшоотасойлариникидан қарийб 2-3 баробар катталигидадир. Дарё сув йиғадиган ҳавзанинг 1 км² майдонидан йиғилладиган сув миқдори эса Подшоотада энг кўп: 484 минг м³ бўлиб, бу дарё ҳавзасининг денгиз сатҳидан баландлиги (2830 метр) билан боғлиқ. Бу миқдор Чодаксойда 340 минг м³, Ғовасойда 285 минг м³, Косонсойда 194 минг м³, Чортоқсойда эса 114 минг м³[3] ташкил қилади. Косонсойда бу миқдорнинг кам бўлиши унинг ҳавзаси нам олиб келувчи ғарбий ва шимоли-ғарбий оқимларга терслигидир.

Юқоридаги сонларни оқим қатламига айлантирсак, Подшоотасойда 484 мм., Чодаксойда 34 мм, Ғовасойда 285 мм., Косонсойда 194 мм., Чортоқсойда 114 мм бўлади.

Дарёлар сув сарфининг йил ичи тақсимланиши кўрсаткичи

$$\Delta = \frac{W_{VII-IX}}{W_{III-VI}}$$

(бунда W_{VII-IX} – июль-сентябрдаги оқим, W_{III-VI} -март-июнь ойларидаги оқим) Чодаксой ва Ғовасойда энг кичик қийматга эга. Баланд тоғлардан сув йиғадиган Косонсой ва Подшоотасойда ҳамда ер ости сувларининг ҳиссаси катта, Чортоқсой, Сумсарсой, Кўксараксой ва Олмоссойларда бу нисбат катта қийматларга эга. Чунки, баланд тоғлардаги қор ва музликлар эриши кечроқ бўлиши сабабли июль–сентябрдаги оқимни кўпайтиради. Асосан ер остидан сув оладиган дарёларда эса ер остида сувнинг ҳаракати секин бўлиши ҳам оқимни июль–сентябрь ойларига суради.

1-жадвал

Наманган вилояти дарёларининг гидрологик кўрсаткичлари [1]

Дарё - гидропост	Хавзанинг майdonи км ²	Хавзанинг ўртача баландлиги м	Ўртача йиллик оқим, м ³ /с	Йиллик оқим ҳажми млн м ³	Δ	Cv	Йиллик оқимнинг таъминланиши, %				
							5	25	50	75	95
Чортоқсой - Пишкўрғон	493	1230	1,79	56,3	0,69	0,19	2,32	1,95	2,24	1,55	0,93
Подшоота - Тасниқуйлиши	366	2830	5,61	177,0	0,63	0,22	7,89	6,50	5,50	4,70	3,74
Чаначой - Чанач	133	2630	1,73	54,5	0,38	0,22	2,38	1,93	1,67	1,38	1,22
Косонсой - Баймоқ	1780	2330	13,0	346,0	0,74	0,28	16,4	13,3	10,7	8,26	6,47
Сумсарсой-Сумсар	90	2600	0,87	27,5	0,52	0,29	1,41	0,98	0,83	0,68	0,55
Кўксараксой - Кўксарак	96,2	2510	0,76	23,9	0,65	0,25	1,08	0,90	0,75	0,64	0,49
Говасой-Гова	657	2460	5,93	187,0	0,25	0,37	9,87	7,17	5,75	4,36	3,02
Олмоссой-Олмос	-	-	1,21	38,1	0,68	0,25	1,90	1,44	1,20	1,04	0,49
Чодақсой-Жийдабулоқ куйилиши	350	2370	3,77	119	0,18	0,46	6,75	4,66	3,56	2,63	1,71
Норин - Учкўрғон	58400	-	375,0	11814	-	0,23	523	429	371	321	211
Қорадарё - Учтепа	12400	-	1330	4194	-	-	-	-	-	-	-

1-жадвалнинг C_v графасида дарёлар йиллик оқимининг ўзгарувчанлик коэффициенти келтирилган. У қуйидаги формула асосида ҳисобланган.

$$C_v = \sqrt{\frac{(x - \bar{x})^2}{n}} : \bar{x}$$

Бунда x – йиллик оқим миқдори, м³/сек;


\bar{x} – ўртача йиллик оқим миқдори, м³/сек;




n – гидрологик кузатув йиллари сони. Жадвал маълумотлари бўйича дарёлар йиллик оқимининг ўзгарувчанлиги 0,19-0,46 орасидаги қийматларга эга. Чортоқсойда энг кичик – 0,19 бўлиб, у асосан ер ости сувларидан ҳосил бўлиши сабаблидир. Вилютнинг ғарбий дарёлари бўлган Чодаксой ва Ғовасойда йиллик оқим ўзгарувчанлигининг катталигини уларнинг ҳавзасида йиллик ёгин ўзгарувчанлигининг катталиги билан изоҳлаш мумкин.


Жадвалнинг охириги 5 та графаларида йиллик оқимнинг турли қийматларининг рўй бериш эҳтимоллиги (таъминланганлиги) фоизларда кўрсатилган. Мисол учун, Норин дарёсида йиллик оқим миқдори 211 м³/сек дан кўп бўлишининг эҳтимоллиги 95 фоиз, 523 м³/сек дан кўп бўлиши эҳтимоллиги эса бор йўғи 5 фоизга тенг.

Бошқача қилиб айтганда, 100 йилликнинг фақат бештасида сув миқдори 523 м³/сек дан, 95 тасида эса 211 м³/сек дан кўп бўлади. 50 фоиз эҳтимоллик 371 м³/сек га тўғри келади.


Дарёлар оқимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш мақсадида ўртача йиллик оқимнинг хронологик графиклари тузилди (1- расм). Улар Норин, Қорадарё, Ғовасой ва Подшоотасойларда йиллик оқим йилдан – йилга кўпайиб бораётганлигини, Косонсойда эса бироз пасайиш борлигини кўрсатиб турибди. Тренд қийматлари Норинда 3,3 м³/йил, Қорадарёда 0,3 м³/йил, Ғовасойда ва Чодаксойда 0,04 м³/йил, Подшоотасойда 0,017 м³/йил, Косонсойда эса тренд манфий, -0,025 м³/йил. Сирдарёда тренд Жомашуй ёнида 4,06, Оқжарда 4,7 м³/йил.









1-расм. Наманган вилояти дарёлари оқимининг хронологик графиги







Подшоота




Косонсой...



Қорадарё



Қорадарё



2-расм. Наманган вилояти дарёлари оқимининг интеграл фарқлар графиклари

Дарё оқими йиллик қийматларининг ўзгаришларидаги даврийликни аниқлаш учун интеграл фарқлар усулидан фойдаланилди. Маълумки, бу усулда йиллик оқим $q_1, q_2, q_3, \dots, q_n$ сонлар қатори

$$Q_1 = q_1 / \bar{q} - 1, Q_2 = \sum (q_2 / \bar{q} - 1), Q_3 = \sum (q_3 / \bar{q} - 1), \dots, Q_n = \sum (q_n / \bar{q} - 1)$$

қаторига айлантирилади. Интеграл фарқлар эгри чизигининг пастга йўналган қисми дарёларда камсув даврни, юқорига йўналган қисми серсув даврни белгилайди. Бу усулда узок давом этадиган камсув давр орасида кузатилган бир икки серсув йиллар умумий тенденцияни буза олмайди; серсув давр орасидаги 1-2 камсув йиллар ҳам серсувлик кўринишини буза олмайди.

Наманган вилояти дарёлари йиллик сув оқимининг интеграл фарқлари графиклари ёрдамида аниқланишича [2] Норин дарёси 1947-1973 йилларда серсув, 1974-1987 йилларда камсув, 1988 йилдан серсув бўлиб келмоқда. 1974-1987 йиллардаги камсувликка Токтогул сув омборини тўлдириш сабаб бўлса керак.

Қорадарёда 1967-1971 йилларда серсувлик, 1971-1991 йилларда камсувлик, 1992 йилдан кейин серсувлик кузатилмоқда. Ғовасой ва Подшоотасойларнинг интеграл фарқлар графиклари ўхшаш; уларда 1970-1990 йилларда камсув, 1991- йилдан кейин серсувлик кузатилиб келмоқда. И.Солиев [2] бунинг сабаби қилиб Шимолий Фарғонада ёғин миқдорининг кўпаяётганлигини кўрсатади. Ҳавзасининг жойлашувига кўра бу икки дарёнинг ўртасида ҳисобланган Косонсой эса 1970-1979 йилларда камсув, 1980–2005 йилларда серсув, 2006 йилдан кейин эса камсув бўлиб келмоқда.

Дарёлар йиллик оқимининг 1971-2017 йилларга тузилган интеграл фарқлари 2-расмда берилган. Уларнинг кўрсатишича, Норин ва Сирдарёда 1971-1987 йилларгача камсув давр, ундан кейин эса серсув давр кузатилмоқда. Аммо охириги 2012-2017 йилларда уларнинг йиллик оқими бироз кичик кўрсаткичларга эга. Қорадарёда ҳам шу ҳолатни кўрамиз. Чодаксойда серсув давр 1986 йилдан, Ғовасойда 1991 йилдан, Подшоотасойдан 2001 йилдан бошланган. Аммо Подшоотасойда 2010 йилдан кейин йиллик оқимда ўртача қийматдан кичик

кўрсаткичлар кўпроқ учрамоқда.

Вилоят дарёлари орасида Косонсойнинг сув режими бошқа дарёларникидан ажралиб туради. Унинг йиллик оқимидаги тренд манфий эканлиги ва оқимнинг кичиклашиб бораётганлиги Косонсой сув йиғадиган худуднинг нам олиб келадиган ҳаво оқимларига терс жойлашганлиги билан изохлаш мумкин. Бу дарёда ҳам 2006 йилдан то шу йилларга қадар ўртача йиллик оқим кичик қийматларда келмоқда.

Юқоридаги маълумотлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- гидрологик маълумотлар асосида бажарилган ҳисоблар бўйича Наманган вилоятининг сув ресурслари ўртача 17 км³ ни ташкил этади. Бунинг 66 фоизи Норин дарёсидан, 26 фоизи Қорадарёдан, 5,4% вилоятнинг шимолидаги дарёлардан келади.

- Наманган вилояти дарёлари йиллик сув оқимининг интеграл фарқлари графиклари ёрдамида аниқланишича Косонсой дарёсидан ташқари барча дарёларда серсувлик йиллар кузатилиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агрометеорологические и водные ресурсы Республики Узбекистан. Т.: Voris –nashriyot, 2007.- 132 б.
2. Солиев И.Р. Фарғона водийсида ер ости сувлари режимига иқлим илиши ва антропоген омилларнинг таъсири. Монография. Наманган, 2018 .- 135 бет.
3. Нормы климатический параметров, рассчитанный по данным наблюдений с 1971 по 2000 год. Тр. НИГМИ. Т.: Узгидромет, 2006. – с 112- 125.

GEOGRAFIYA: TABIAT VA JAMIYAT
2 ЖИЛД, 1 СОН

ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО
2 ТОМ, НОМЕР 1

GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY
VOLUME 2, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000